

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг набиралари вафотига йиғлашлари



18:00 / 06.12.2018 4194

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳу ривоят қилади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига қизлари ҳазрати Зайнаб розияллоҳу анҳонинг вафот қилган ўғли жасадини олиб чиқишди. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уни кўриб, кўзлари ёшга тўлди. Шу пайт Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳу сўрадилар: “Эй Аллоҳнинг Расули! Бу нимадир?”

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Бу кўз ёшлари Аллоҳ таолонинг бандалари қалбига жойлаган раҳматидир. Аллоҳ таоло марҳаматли қулларинигина раҳмат қилади!” дедилар” (Риёзус-солиҳийн, 923).

“Қалбимизнинг нури” китобидан